



ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 йил
21 мартдан
ЧИҚА БОШЛАГАН

ISNONA

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 9 сентябр, жума № 150 (1991)

БЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Кизилтепа туманидаги Талайхоб қишлоғида ки-
чик гишт заводи ишга туширилди. Тадбиркор Илбас
Аслонов «Навойқишлоққурилиш» хиссадорлик жа-
миятига тегишли қаровис ётган бинони олиб, за-
вод бунёд этди. Айни пайтда бу ерда қўнига 50
минг донадан ортиқ пишик гишт тайёрланмоқда.
Қишлоқда гишт заводининг ишга тушиши муносабати
билан 50 нафар янги иш ўринлари очилди. Маҳал-
лий аҳолининг қурилиш материалларига бўлган талаби
ҳам қондирилмоқда.
Янги қорхона раҳбари дастлабки ишлаб чиқарилган
100 миңг дона гиштни кам таъминланган оилаларга бе-
пул тарқатди. Заводда келгуси йилдан иккинчи линия
ҳам ишга туширилиб, маҳсулот ишлаб чиқариш дахми
икки баравар ошади.

Орзимурод Каримов Арнасой туманидаги «Муста-
қиллик» агрохизмат маркази ҳудудида фаолият юри-
таётган «Назарбек» фермер ҳўжалиги раиси. Яқин-
да у «Шухрат» медали билан тақдирланди.

Барчага маълумки, Ван-
та мукофоти муносиба-
ларга берилди. Мехнат-
да ўзини кўрсатган, эл-
юрт учун фидойи, атро-
фидагилар ҳурматини
қозонган кишилар муно-
сиб, деб топилди. Бас,
шундай экан, каммина му-
носиб фермер Орзиму-
род Каримовнинг таржи-
маи холини ҳам, «Мехнат
дафтарчаси»ни ҳам ва-
рақлаб ўтирмайман Му-
кофотланибдими - яхши
ишлабди, яхши ишлабди-
ки, мукофотланибди. У
анчадан бери туманинг
ишончли фермерларидан
бири эди. Шу сабаб бун-
дан беш йил бурун ҳам
«Ўзбекистон Мустақилли-
гининг 10 йиллиги»
кўкрак нишонин билан
тақдирланганди.

ТАҚДИР ТАБАССУМИ



Фермернинг 42 гектар
ер майдони бор. 1995
йил бошида туман ҳоким-
лигидан «Фермер» деган
гувоҳнома қўлиб олибди,
оила аъзолари - Нозимахон, Вали-
жон, Алижон, Нигорахон
ва Дилдорахонлар билан
биргаликда бу номга му-
носиб бўлиш, ҳар қандай
шароитда ҳам ер чизиб
қолмаслик учун астойдил
мехнат қилиб келади. Шу
боис бирор йил бўлма-
дики, тайёрлов қорхона-
си билан шартнома ту-
зиб, уни бажармаган
бўлса, Мана, биргина
бултурги натижаларга на-
зар солайлик. 15 гектар
майдонда галла етишти-
риб, 55 центнердан буг-
дой хирмони уйди. Ана
шу 82,5 тонна доннинг
60 тоннасини эл хирмо-
нига тўкиб, 22,5 тонна-
сини ўз ҳовлисига олиб
келди. 27 гектар пахта-

Меҳнат ардоқлаган кишилар

соф фойда бўлди.
- Техника сотиб олаёт-
гандирсиз-а? - деб сўрай-
ман Орзимуроддан.
- «МТЗ-80» тракторим

бор. Ер ҳайдашга ҳам,
қатор ораларини юмша-
тишга ҳам мослаб олган-
ман, - дейди белбоғини
тортиб боғларкан, ҳазил-
лашиб, қўшиб қўйди: -

Пахта теримини бошла-
дик, маҳкамроқ боғлай...
Ҳа-я, нима дегтандим?
Тиркама аравам, юк ма-
шинам бор. Ўғит ёки
уруғлик бериб қолишса,
улов излаб, оврага
бўлмайман. Шунинг учун
турган пул турибди-да.
Мабодо, зарур бўлиб қол-
са, банка бораман-да,
оламан. Дренажларим эс-
кирган. Бу йилги даро-
мад билан қўшиб, янги-
ламоқчиман.

- Теримни бошладим,
дедингизми?
- Юринг, далага борай-
лик!..

Агрохизмат марказидан
Арнасойга бориладиган
катта йўлнинг шундоқки-
на ёнида экан Орзиму-
роднинг даласи.

- Ана, менинг ерларим,
- деди мағрур оҳангда.
- Қаранг, қандай ёпирили-
шиб туришяпти. Бугун
саксон беш киши чиқиб-
ди. «Юз»дан-ку демай-
ман, лекин «етмиш»дан
«котиришади». Бу - сал-
кам олти тонна бўлади.
Кечаги «беш» билан...
Хуллас, тумандан қорхо-
нага «яшил қарвон» йўл
олса, олдинги тиркама-
лар бизни қўлади. Бирин-
чи қалаба муҳасини ҳам
биз ёзмокчимиз.

- Нарғиза, Инобат, Раҳи-
ма, Дилдора, Мавлуда.
Барчаси гайратли, шўх-
шаддод қизлар экан.
Улар бир олам ҳангома
айтиб ташлашди. Бултур
қанча туришгани... Кўп
йилдан бунинг биринчи
бўлиб шу фермерга
ҳашарга қўйилганини,
бу йил бултургидан ҳам
кўп тармоқчи эканлари-
ни...

Шунингдек янги шахтали
печ қор-
ғиш қувватини
бўлимига қарашли Янгиқадим қишлоғида
қис (фаолиятини сақлаш шартин билан). Бошланғич баҳоси - 4 298 371 сўм.

2. Фарғона вилояти, Бувайда тумани Соғлиқни сақлаш бўлимига қарашли Янгиқадим қишлоғида жойлашган ФАП биносининг алоҳида турган бинolari (фаолиятини сақлаш шартин билан). Бошланғич баҳоси - 2 306 593 сўм.

2005 йил 12 сентябрдан Фарғона вилояти маклерияти томонидан қўйиладиган объектлар қўйилади:

1. Фарғона вилояти Божона бошқармасига қарашли Фарғона шаҳар Некрасов кўчасида жойлашган «Виллоятлараро ўқув маркази» бино ва иншоотлари. Бошланғич баҳоси - 96 503 019 сўм.

2. Қувасой шаҳар, А.Навой кўчаси 80-уйда жойлашган Халқ таълими бўлимига қарашли 1-сонли «Нарғиз» номи болалар боғчаси. (фаолиятини сақлаш шартин билан). Бошланғич баҳоси - 20 943 627 сўм.

Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан РКМБ Тошкент шаҳар маклериятидан Вазирилар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан бошланғич баҳосига нисбатан босқичма босқич пасайиш механизми бўйича 2005 йил 9 сентябрдан қўйиладиган объектлар ва улушлар қўйилади:

1. Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани, Бойкент кўчаси, 32-уйда жойлашган «AVTOPREMUSLUG» МЧКнинг 25,0 фоиз давлат улуши. Бошланғич баҳоси - 145293,0 миңг сўм.

2. Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Дилқас кўчаси, 2-уйда жойлашган «YURXAS» МЧКнинг 25,0 фоиз давлат улуши. Бошланғич баҳоси - 58738,802 миңг сўм.

3. Тошкент шаҳар, Миробод тумани, А.Фитрат кўчаси, 180 «Б»-уйда жойлашган «REM-ELTRANS» МЧКнинг 25,0 фоиз давлат улуши. Бошланғич баҳоси - 467841,277 миңг сўм.

4. Тошкент шаҳар, Хамза тумани, Арафий кўчаси, 106 «а»-уйда жойлашган «Donnabussolotni ilmiy ishlab chiqarish markazi» МЧКнинг 25,0 фоиз давлат улуши. Бошланғич баҳоси -

Янги дастгоҳ ўрнатилгач

Икки йил илгари Кўкчи шаҳрида «Скарпион» ўзбек-турк қўшма қорхонаси иш бошлаган эди. Туркиядан қиймати 180 миңг АҚШ долларига тенг бўлган янги дастгоҳлар келтириб ўрнатилгач, бу ерда сифатли трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.
- Йилга 150 миллион сўмликдан зиёд трикотаж тайёрлаямиз, - дейди қўшма қорхона раҳбари Ф.Қосимов.
- Бу - ҳозирча фақат ҳомаш, тез орада ундан ички кийимлар тиқишни бошлаймиз. Янги тикувче цехи ҳам иш бошлагач, 25 та қўшимча иш ўрни яратилади.

«ҚИЗИЛҚУМЦЕМЕНТ»НИНГ ҚЎШИМЧА ТАРМОҚЛАРИ

дириш йўли билан соатига 25 тонна-
гача термоактив маъдани қўшимчалар
ишлаб чиқаришининг йўлга қўйилгани
яхши самара бераётди. Илгари бу
қўшимчалар қўшни республикалардан
валюта хисобига келтирилган эди.
Шунингдек янги шахтали печ қор-
ғиш қувватини
бўлимига қарашли Янгиқадим қишлоғида
қис (фаолиятини сақлаш шартин билан). Бошланғич баҳоси - 4 298 371 сўм.

3. Бухоро вилоятида жойлашган, «Ўзвотйўл» ДАК таркибидagi «Бухоро ДОРНИИ» проект» МЧКнинг 25,0 фоиз давлат улуши. Бошланғич баҳоси - 9370,44 миңг сўм.

4. Қашқадарё вилоятида жойлашган, «Ўзбекистон» МК таркибидagi «Ориент стар Шахрисабз» («Шахрисабз сайёҳ») МЧКнинг 24,0 фоиз давлат улуши. Бошланғич баҳоси - 59949,57 миңг сўм.

5. Сурхондарё вилоятида жойлашган, «Ўзбек илғи» уюшмаси таркибидagi «Ангор пилла» МЧКнинг 25,0 фоиз давлат улуши. Бошланғич баҳоси - 14565,06 миңг сўм.

6. Тошкент вилоятида жойлашган, «Ўзгатаксаноат» уюшмаси таркибидagi «Халқобод ВМУ» МЧКнинг 25,0 фоиз давлат улуши. Бошланғич баҳоси - 53530,83 миңг сўм.

2005 йил 16 сентябрдан фаолият турини ўзгартирмаслик шартин билан қўйиладиган объект қўйилади:

Жиззах вилояти, Фалғорол туманида жойлашган «Ўзком-мувицемент» агентлигига қарашли «Таз тўлдирчи» шохбосаси. Бошланғич баҳоси - 16672,1 миңг сўм.

2005 йил 16 сентябрдан Вазирилар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан бошланғич баҳоси 3 синф бўйича, яъни ҳар 15 савдо сессиясида 5 фоиизга пасаядиган улушлар

1. Сурхондарё вилоятида жойлашган, Ўзбекистон «Матбуот ва ахборот агентлиги»га қарашли «Сурхондарё босма-хонаси» МЧКнинг 26,0 фоиз давлат улуши. Бошланғич баҳоси - 22548,97 миңг сўм.

2. Қашқадарё вилоятида жойлашган «Ўзвотйўл» ДАК таркибидagi «Шахрисабз автойўли» («Шахрисабз ободончилиги») МЧКнинг 25,0 фоиз давлат улуши. Бошланғич баҳоси - 54131,43 миңг сўм.

3. Қашқадарё вилоятида жойлашган, «Ўзвотйўл» ДАК таркибидagi «Қашқадарё йўл таъминот» МЧКнинг 30,0 фоиз давлат улуши. Бошланғич баҳоси - 79799,54 миңг сўм.

4. Қорғандликстон Республикасида жойлашган, Ўзбекистон «Матбуот ва ахборот агентлиги»га қарашли «Нукус полиграф комбинати» МЧКнинг 26,0 фоиз давлат улуши. Бошланғич баҳоси - 87440,12 миңг сўм.

Вазирилар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан бошланғич баҳосига нисбатан 2005 йил 7 сентябрдан босқичма босқич пасайиш механизми қўлланилиши бошланғич баҳосига нисбатан 2005 йил 9 сентябрдан қўйиладиган улушлар

1. Наманган вилоятида жойлашган «Ўзстандарти» агентлиги таркибидagi «Эталон» МЧКнинг 25,0 фоиз давлат улуши. Бошланғич баҳоси - 12833,320 миңг сўм.

2. Тошкент вилоятида жойлашган, «АТЭК» МЧКнинг 25,0 фоиз давлат улуши. Бошланғич баҳоси - 121348,200 миңг сўм.

Шартнома интизоми: ютуқ 6

Шартнома муносабатлар мутаносиблигини таъминловчи меъририй ҳужжат. Битимга келган томонлар ўз лафзида туриши мумкин аҳамият касб этади. Аммо қатор қорхоналар мутасаддилар дўппи тор келганда ҳар қандай шартномага қўшни чирт юмиз имзо чекиб юборишади. Ижрога келганда эса сансалорлик йўлини туттади. Оқибатда панд еган шерик ҳам иктисодий, ҳам маънавий зарар кўриб қолади.

ХИЗМАТИ ЁИ ТЎЛОВИЧИ

Бовёв туманидаги «Юрт» фермер ҳўжалиги излашни, интилиши билан танилган. Тадбиркорлар ҳар қарич ердан унумли фойдаланиш билан бирга турли хизматлар везаига даромад топапти. Удабурунликнинг бир тури аҳоли ва ташкилотларга автотранспорт хизмати кўрсатишдир. Ахир мулкдор ўқуви бўлсагина фойда мўмай бўлади. 2004 йилнинг декабрида ҳудуддаги «Турон» пахта тозалаш хиссадорлик жамияти билан шартнома имзолашди. Фермер шеригига панд бермади. Неки юмуш бўлса бажарди. Ҳеч бир қоидага хилоф иш тутмади. Хиссадорлик жамиятига 3 миллион 172 300 сўмлик иш бажариб берди. Аммо пахта тозаловчилар ҳақ тўлашни мунтазам пайсалга солар, турли ваз-қарсонларни рўқач қилишдан чарчамасди. Оғзаки суровлар-

дан натижа чиқмаслигини англаган фермер шу йилнинг 22 июн ҳолатига солиштирма далолатнома тузди. Ана шундан сўнг ҳам тўлаш аччиқ ичакдек чўзилаверади. Тадбиркорлар нобон шерик устидан ҳўжалик судига даъво аризаси киритишга мажбур бўлди. Суд томонлар талабини пухта ўрганиб, шартнома ижроси пахта тозалаш хиссадорлик жамияти томонидан бажарилмаганлигига аниқлик киритди. Унинг ҳақ қилув қарори билан «Юрт» фермер ҳўжалиги фойдасига юқоридаги асосий қарз, шартнома шартларини бажармаганлиги учун 793 миңг 75 сўм жарима ундирилдиган бўлди. Камчиликларга йўл қўйган, шартнома интизомига риоя этмаган мутасаддилар ҳам адолатли жазодан четда қолади. Жамият раҳбари О.Исоилов мавжуд қарздорлигини тўлашни пайсалга солгани

Table with 2 columns: Date (01.08.2005 to 30.08.2005) and Amount (0.00 to 38235.29). Includes a section for '1 савдо сессиясида босқичма босқич пасайиш механизми бўйича 2005 йил 9 сентябрдан қўйиладиган улушлар'.

Кейинги йилларда Хоразм вилояти касаба уюшмалари бирлашмасида кам таъминланган, кўп болали, ёлғиз оилаларга, ногирон ва етим-есирларга, уруш ва меҳнат фахрийларга берилаётган молдий ёрдам миқдори анча оширилиб борилаётган.

КАПА САВОБ

Яқинда Кенгаш раҳбарлари Урганч шаҳридаги 94-маҳсул мақта-интернатда бўлиб, жамоани мустақиллик байрами ва билимлар кўни билан табриклашди. 316 на-

1. Тошкент шаҳар, Серғели тумани, Саъдий кўчаларга 4,6 ми- уйда жойлашган «YO'LQURILISH» МЧКнинг 25,0 фоиз давлат улуши. Бошланғич баҳоси - 90869,322 миңг сўм.

3-синф бўйича ҳар 15 савдо сессиясида 5 фоиизга пасаядиган улушлар

1. Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Проектная кўчаси, 1-уйда жойлашган «MADANIY-TRANS» МЧКнинг 25,291 фоиз давлат улуши. Бошланғич баҳоси - 96811,871 миңг сўм.

3. Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани, Мухбир кўчаси, 2-уйда жойлашган «OLMPIYA» МЧКнинг 25,0 фоиз давлат улуши. Бошланғич баҳоси - 41709,35 миңг сўм.

Давлат мулки қўмитасининг Андижон вилояти худудий бошқармаси томонидан РКМБ Андижон вилояти маклериятидан Вазирилар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан бошланғич баҳосига нисбатан босқичма босқич пасайиш механизми бўйича 2005 йил 9 сентябрдан қўйиладиган объектлар қўйилади:

1. Андижон вилояти Қўрғонтепа туманида жойлашган Қўрғонтепа тумани Халқ таълими бўлимига қарашли 47-сонли болалар боғчаси. Бошланғич баҳоси - 6730500 сўм.

2. Андижон вилояти, Жалалқуд туманида жойлашган Жалалқуд тумани Халқ таълими бўлимига қарашли 46-сонли болалар боғчаси (фаолият турини сақлаш шартин билан). Бошланғич баҳоси - 10150000 сўм.

3. Андижон вилояти, Жалалқуд туманида жойлашган Жалалқуд тумани Халқ таълими бўлимига қарашли 44-сонли болалар боғчаси (фаолият турини сақлаш шартин билан). Бошланғич баҳоси - 10499000 сўм.

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Иконтингенти боб берманг.

Савдоларда Республика Қўнас мулк биржаси рўйхатидан ўтган малакали брокерлар объектларини харид қилиши- нингда Сизнинг хизматингизда бўладилар.

Қўшимча маълумотлар учун қўйиладиган манзилга мурожа- ат қилишингиз мумкин.

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Қора-қамиш 2/4 массиви, Махаммад Уразбоев кўчаси, 1 "А" уй, Республика Кўчаси мулк биржаси. Телефонлар: 399 80 26, 136 26 26. Факс: 136 06 17 www.rktb.uz
Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар, М.Қосимов кўчаси, 35-уй, РКМБ Фарғона вилояти филиали. Телефонлар: 8 (3732) 24-68-72, 24-68-70. Факс: 8 (371) 114-62-35.
Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй, РКМБ Тошкент шаҳар филиали. Телефонлар: 144-44-72, 144-44-73. Факс: 136-28-75.
Андижон вилояти, Андижон шаҳар, Навоий шоҳ кўчаси, 30-уй РКМБ Андижон вилояти филиали. Телефонлар: 8(3742) 24-48-53, 24-37-86. Факс: 8(371) 114-75-31
Эслатма: РКМБ электрон биржа савдолари жараёнида савдога қўйилган объектга икки ва ундан ортиқ харидор томонидан қизиқини билдирилган ҳолда савдо аукцион қўринишида давом этиб нархлар эркин шаклланади

**Ўзбекистон металлургия комбинати қурилиши бошланган дастлабки кўнрадан қурувчилар савдо-сотиқ муносабати асосий ишлардан бири сифатида қабул қилинди. Чунки совуқ, зах ерларда асосий ишларни кўл кучи билан бажариш қийинчиликлар даврида муҳим аҳамиятга эга эди. 1942 йилдак уч нафар ҳақим ва фельдшердан иборат тиббий бўлим ишчилар солигини назоратга олади.**

Шундай қилиб, корхонага қарашли тиббиёт бўлими ўз фаолиятини бошлади. Орадан салкам икки йил ўтиб, 40 ўринли тиббий даволаш бўлими қурилиши тугалланди. Шундан кейин ишчилар оилалари учун янги уйлар қурилиши ҳам бошлаб юборилди. 1980 йилга келиб 200 ўринли даволаш мажмуаси ва орадан тўрт йил ўтиб, бир кунда 375 нафар беморни қабул қила оладиган поликлиника ишга туширилди. Бу масканлар замонавий биналар бўлиб, уларга тиббиётнинг энг охири ютуқлари бўлган ускуналар ўрнатилди.

Корхона бошқаруви ва касабга уюшма кўмитаси шифохонага алоҳида эътибор қаратади, имкон даражасида қўллаб-қувватлайди. Тиббий даволаш қисми биналарини, иситиш тизимини таъмирлашни, зарур дори - дармонлар, тиббий асбоб - ускуналарни таъминотишни корхона ўз зиммасига олган.

Бугунга келиб, замонавий асбоб-ускуналар, мебеллар билан жиҳозланган тиббий соғломлаштириш қисми бир йўла 162 беморга мўлжалланган бўлса, поликлиника 150 беморга хизмат қилаётти. Ишанч ва таърибли беш шифокор Бахтиёр Ерлақабов бошчилигидаги 22 нафар ҳақим ва 101 нафар ўрта тиббиёт ходимлари беморларга хизмат кўрсатмоқда.

4 нафар шифокор олий, 6 нафари биринчи тоифалидир. Ўрта тиббиёт ходимларидан 60 фоизи категорияларга эга. Ушбу даргоҳда беморларга даволашнинг 15 га яқин тури бўйича юқори савияда хизмат кўрсатилиши қафолатланган. Булардан

ташқари, 8 та цех қошида кечаю-кундуз хизматга шай ҳолда турадиган тиббиёт қисмлар мавжуд.

Шифохона асосан завод ишчиларига хизмат кўрсатишга ихтисослашганлиги сабабли жароҳатланганининг ҳамма турлари бўйича тез ва малакали ёрдам кўрсатишга қўпроқ аҳамият қаратишмоқда. Айниқса, Масоҳиддин Зокиров бошчилигидаги ушбу бўлимда беморларга самарали хизмат кўрсатаётган аэротерапевтик курилма ҳар хил даражадаги куйган аъзоларга самарали хизмат кўрсатаётганини диққатга сажовор. Ушбу ускуналар жароҳатланган аъзоларга юқори босим билан кислород йўналтирилиши билан беморга энгиллик бахш этади ва тез тазалишни таъминлайди. Бу ерда ишлаётган барокамера республикамизнинг санокли шифохоналарида ишлатилмоқда, десак хато

**2005 йил — Сихат-саломатлик йили**

Шифохонанинг даволаш-терапия бўлимидаги шароитлар ҳам диққатга сазовор. Беморлар ҳамма қаттиқ ва юмшоқ мебеллар билан жиҳозланган, озода ва сокин хоналарда даволаноқдалар. Тиббиёт ходимларининг хизмат савияси ва дори-дармонлар билан таъминлини ҳақида беморлар хурсандчилик билан сўзлайдилар.

— Бекобод шаҳар Акмал Икромов номли маҳаллада

— деди бош шифокор, нафақат завод ишчиларига, балки, шаҳар аҳолисига ҳам малакали тиббий хизмат кўрсатаёلمиз. Бугунги кунда бу ерда Бекобод, Бўка, қўшни Сирдарё вилоятининг икки тумани ва Янгийер шаҳридан ҳам беморлар келиб, даволаноқдалар.

Акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси тасарруфидаги 100 ўринли санаторий-профилакторийи эса вилоятдаги энг намунали даволаш

Йилига 40 миллион сўмга яқин маблағ ажратилаёпти. Биналарни таъмирлаш, янги мебеллар, ускуналар, жиҳозлар сотиб олиш бундан мустасно.

Бу ерда шинамгина ошхона, маънавият-маърифат маркази, кутубхона, чўмилиш ҳавзаси, сауна, югуриш йўлкари, турли муолажаларни олишга мўлжалланган 20 дан ортиқ махсус хоналар даволанувчилар хизматида. Беморларнинг даво олиб бетишида Тўрабек Давлатов, Феруза Ҳақимова каби шифокорлар, Ҳурматой Расулова, Нигора Эргашева сингари ўнлаб таърибли хамшираларнинг ҳиссалари катта бўлаётти.

Кези келганда 200 ўринли «Металлург» пансионати ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Президентнинг «Чимён - Чотқол» дам олиш масканларини ташкил этиш ҳақидаги қарори асосида Чорвоқ сув омбори бўйида халқро талабларга жавоб берадиган соғломлаштириш маркази қисқа фурсатда куриб, битказилди.

Пансионатнинг умумий майдони 7 гектарни ташкил этади. Бино ойналаридан ажойиб манзара кўзга ташланади. Сокин сув сатҳи, тоғ тизмалари, атрофни ўраб олган тоғ манзаралари кўзни қувонтиради. Узокдан катта кемага ўхшаш, беш қаватли дам олиш масканида металлургия ва уларнинг оила аъзолари соғлиқларини тиклаб, яхши ҳордиқ чиқаришлари учун ҳамма шароитлар яратилган.

Т.ҲАЙДАРОВ, «Ишонч» мухбири

**МЕТАЛЛУРГАР ШИФО МАСКАНИ**

яшайман, - дейди пенсионер Зухра Қодирова. - Даволаш шифокоримиз Гулҳебра Эшонқулованинг малакали ҳақим эканлигини эшитиб, шу ерга келган эдим. Унинг савий-ҳаракати билан дардимга даво топдим.

Иккинчи навли прокат цехининг катта устаси Абдусаттор Ҳойибназаров, корхона касабга уюшма кўмитаси аъзоси, маънавият ва маърифат бўлими мудири Ахмадали Нуралиевлар ҳам шифокорларнинг ширин сўзлари, дори-дармонларнинг етарли, таомларнинг мазаги эканлиги ҳақида гапирдилар. Шифокорлар Гулҳебра Эшонқулова, хамширалар Диларфўз Умрзоқова, Муҳаббат Ажимуродовлар хизматидан мамнун эканликларини билдирдилар.

— Вазирлар Маҳкамасининг қарор асосида ўз-ўзини молиялаштириш йўлидан бораётган шифохонамизда,

масканларидан бири ҳисобланади. Бу ерда асосан нафақат йўллари, юрак, оёқ, бел оғриғи, асаб тизими ва бошқа хасталиқларга чалинган ишчилар даволанишади. Ушбу сихатгоҳда ҳозиргача салкам 29 минг нафар кишининг саломатлиги тикланди.

Профилакторий, энг замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Энди бу ерда даволанишнинг 20 туридан фойдаланиш мумкин. Касабга уюшма тизимида қарашли санаторий-профилакторийлар қаторида бу даволаниш муассасаси ҳам алоҳида тилга олинади. Сабаби, мустақилликка эришганимиздан сўнг инсон омилига, саломатлик масканлари фаолиятини яхшилашга алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Комбинат бошқаруви, касабга уюшма ташкилоти амалий ёрдамлари тўғрисида сихатгоҳнинг моддий-техникаси йилдан-йилга мустаҳкамланмоқда.



**Истиқболли усул шарофати**

**«Покиза» савдо ишлаб чиқариш корхонасига қарашли озиқ-овқат дўкони хамиша харидорлар билан гавжум. Чунки бу ерда миқозлар олган махсуслотлари учун одатдагидек пул тўлашмайди. Балки чўнтақларида пластик қарточкаларини чиқариб, залга ўрнатилган терминаллар орқали савдони амалга оширишади.**

**НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБ барча учун қулай**

— Нақд пулсиз ҳисоб-китоб нафақат корхоналарда пул ҳаракатини тартибга солишни таъминлайди, балки истеъмолчилар учун ҳам қулай, ҳам фойдали, — дейишади, — харидорларга қаққонлик билан хизмат кўрсатаётган сотувчилар. — Шунинг учун ҳам савдо дўконининг товар айланмаси ошиб, харидоригир моллар пештахталарда узоқ туриб қолмайди.

Истеъмолчилар пластик қарточкадан қанча кўпроқ фойдаланса иқтисодиётимиз юксалишига шунчалик ҳисса қўшган бўлади. Негаки, бу маблағлар банк орқали айланади, пул бирлиги қадри янада мустаҳкамланади. Акционерлик-тижорат «Асака» банкининг Сурхондарё вилоят бўлими 2003 йилдан бошлаб ўзининг илк сўм пластик қарточкаларини жорий эта бошлади. Вазирлар Маҳкамасининг «Пластик қарточкалар асосида ҳисоб-китоб қилишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан сўнг мақбул усулнинг имкониятлари кенгайди. 2005 йилдан эътиборан барча терминалларда қайси банк пластик қарточкага эга бўлишидан қатъий назар фойзалар ушланмайди. Миқозларга қарточка орқали ўтадиган амалиётлар учун бепул хизмат кўрсатилади.

Жорий йилнинг ўтган даврида жисмоний шахслар ва ходимларга 3500 та пластик қарточка тарқатилди, уларнинг сони 4000 даноадан ошди. Миқозлар ҳисобидида турган маблағ 36,4 миллион сўмни ташкил этади. Шундан 11,05 миллион сўми жисмоний шахслар, 16,67 миллион сўми олий маошлар, 8,980 миллион сўми банк ходимларининг маблағлари ҳиссасига тўғри келади.

«Покиза», «Ушанмо», «Ўзбекистон», «Абдураим Раҳмонов», «Бўрихон Сайдинова» каби озиқ-овқат дўконларида терминаллар ўз фаолиятини бошлагач, товар айланиши ва кунлик савдо-сотиқ миқдори кўпайди. «Назар бобо» хусусий фирмасига қарашли автомобилларга ёқилги қўйиш шохобчаси, «Ражабкул, Зумрад» хусусий корхонаси тасарруфидаги «Озода» ошхонаси, «Динамо» спорт моллари дўкони фаолиятни яхшилай бораётти. Жойларда 1 та банкومات ва 33 дон терминаллар ўрнатилган. Бойсун, Денов, Жарқўрғон, Сарисоёв туманларидаги минибанкларда терминаллар орқали коммунал хизмат тўловлари ҳам амалга ошириляпти.


Вилоят маркази Термиз шаҳрининг 4 та жамғарма кассаларидаги терминаллардан аҳоли кенг фойдаланаяпти. Банк кассасидаги нақд пул тарқатиш ва валюта айирбошлаш шохобчасидаги терминаллар хизматида миқозлар мамнун. Айниқса, савдо тармоқларидаги терминаллар хизмати истеъмолчилар талабига мос келаяпти.

Янги усулни жорий этиш бўйича шаҳар ва туманларда ибратли ишлар қилиняпти. «Сурхондарё почтаси»да ўрнатилган терминал алоқа хизматини йўлга қўйишда пластик қарточкадан самарали фойдаланиш имкониятини берапти.

Пластик қарточка «Сурхон воҳаси» фермер ҳўжалиги, Деновдаги «Жаҳонгир» дорихонаси, яқка тартибдаги «Пардахоҳ Ҳасанов», «Ҳайит Қурбон» кўп тармоқли хусусий фирмаси, Сарисоёвнинг «Шердил» савдо дўконларида кенг қўлланиляпти. Бу тармоқларда аҳолига 40 миллион сўмлик савдо хизмати кўрсатилган.

Экспресс кредит чинакам пул захираси бўлиб, пластик қарточка эгаси зарурат тугилса хоҳлаган пайтда ундан фойдаланиши мумкин. Воҳада олиб борилаётган ибратли ишлар муомаладаги ишлатилмаётган пул массасини камайтириш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар салохиятини кўтариш билан бирга энг ишончли восита сифатида аҳолига манзур бўлаяпти.

И.ҚАРШИЕВ



**КУЗ- ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК**

Анджон шаҳар халқ таълими бўлими тизимидидаги барча мактаб ва боғчаларда куз-қиш мавсумига муносиб ҳозирлик қўрилди. Жумладан, 21 та мактаб ҳамда 15 та боғча қозонхоналари жорий таъмирланди. Мавжуд иситиш тизимларининг совуқ кўнрада зулзуслик шиланиши таъминлаш мақсадида 216 тонна кўмир гамлаб қўйилди.

Бундан ташқари, таъмирга муҳтож таълим муассасалари биналарининг том қисмини ёнгингарчиликка чидамли ҳолатга келтириш чоралари қўрилди. Вилоят ва шаҳар ҳокимликларининг амалий ёрдами тўғрисида 23-, 27-, 34-, 37-, 48-умумтаълим мактаблари, 26-махсус мактаб ҳамда 16-, 42-мактабгача таълим масканлари томлари янгидан шифер билан қопланди.

Янги ўқув йили муносабати билан худуддаги мактабларда ДТС талаблари асосида безатиш ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилди. Улардаги ўқувчиларни қасбга йўналтириш хоналари ҳам машғулотлар олиб бориш учун шай ҳолга келтирилди. Шунингдек, жорий йилда «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш» Давлат умумийлиги дастурига асосан 4 та мактабда капитал таъмирлаш ва 1 та мактабда реконструкция ишлари бажарилди.

**ФАБРИКА УЧ СМЕНАДА ИШЛАСА**

Мустақиллик байрами арафасида Анджон вилояти Кўргонтепа туманидаги Корасув шаҳрида тикчилик фабрикаси қайта ишга туширилди. «Саноат Омад Турон» масъулияти чекланган жамият бу ерда таъмирлаш ишларини ўтказиб, корхонани «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси томонидан харид қилинган 128 та тикув машинаси билан жиҳозлади.

Ишлаб чиқаришни қайта тиклаш учун меҳнат, бандлик ва ижтимоий таъминот бошқармасининг шаҳар бўлими 10 миллион сўм миқорида кредит ажратди, - дейди «Саноат Омад Турон» масъулияти чекланган жамият раиси О.Мамажонов. - «Пахтабанк»нинг шаҳар бўлими эса яна 15 миллион сўм ажратди. Ҳозир фабрикада 130 киши иш билан таъминланди. Келажакда уч сменалик иш тартибига ўтишга, бу ерда 390 киши меҳнат қилади. Фабрика кўрпа-ёстқич жилдлари, тиббиёт халатлари ва бошқа тикчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаради.

**Бандлик дастури амалда**

Аҳолини ишга яроқли қисмини иш билан таъмирлаш, ҳар бир меҳнатга қанқок кишига ўз касбига мос бўлган меҳнат шартини яратиб бериш ҳозирги кундаги энг муҳим масалалардан. Республикамаизнинг барча жойларидан бўлганда, Сирдарё вилоятида ҳам бу борада қатор ибратли ишлар юзга чиқаришмоқда. Жумладан, биргина Ҳовос тумани мисолида олиб кўрадиган бўлсак, талайгина ижобий натижаларга эришяётганига ғувоҳ бўлишимиз мумкин.

Бугунги кунда худудда қарийб 75 минг нафар аҳоли истиқомат қилаётган бўлиб, шунинг аксариятини ёшлар ташкил этади. Жорий йилнинг ярми давомида меҳнат бўлимига 1240 нафар ишсиз фуқаро мурожаат этишди. Бўлим ходимларининг савий-ҳаракати билан уларнинг 826 нафарини иш билан банд бўлишига эришилди.

391 нафар фуқарога эса ўзларига мақбул келадиган иш топилмаганини тўғрйли уларга ишсизлик мақомига эга бўлмаган 6 нафар ёшлар эса шартнома асосида турли тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ўқишга юборилди.


—Бўлимимиз томонидан вояга етмаган ёшларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича ўз бир қанча тадбирлар амалга ошириляпти, - дей-

**МЕҲНАТ БЎЛИМИГА АРИЗА ТУШДИ**

ди раис И.Мўминов. — Тумандаги қишлоқ фуқаролар йўлбарлиги бирктирилган меҳнат инспекторлари томонидан 33 нафар вояга етмаган ёшга қўмон берилди. Улардан 28 нафари ишга жойлаштирилиб, 5 нафарига ўзларига мақбул келадиган иш топилмагани сабабли ишсизлик нафақаси тайинланди.

Шунингдек, меҳнат бўлими мuddатли қамқоз жазосини ўтаб қайтган фуқароларга ҳам зарур эътибор ва ёрдам кўрсати келаяпти. Шу каби кишилардан 5 нафарига ишсизлик нафақаси тайинланб, қолганлари ўзлари хоҳлаган ишга жойлаштирилди.

Шуни ҳам таъкидламоқ жоиз бўлиб, шунинг томони-



О.ЭРГАШЕВ, «Ишонч» мухбири

**ТАРИХ**

Ўзбекистон фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси савий-ҳаракати билан қатор тўпламлар чоп этилмоқда. Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабага бағишланган «Хотира» китобининг қўшма учинчи жилди ҳам юртдошларимиз томонидан яхши кутиб олинди.

Орадан кўп вақт ўтмай яна бир қизиқарли китоб босмадан қикди. «Йиллар ва тақдирлар» деб номланган бу нашр 1941-1945 йилларда жанг майдонларида жасорат кўрсатган, фронт ортида фидокорона меҳнат қилган, бугунги мустақиллик кунларида кексалик завқини суратлаган замондошларимиз ҳақида ҳикоя қилади.

«Йиллар ва тақдирлар» иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 60 йиллигига бағишлашга чоп этилган «Хотира» китобининг қўшма учинчи жилди каби зўр ҳаяжон билан ўқилади.

А.АЛИЕВ

**Этам амакининг ови қариб қайтар чоғи қашқа саманини Етимтоғ томон бурди. У тоғ чўққисига етарешишда катта харсанг тош ёнидаги пана-пастанам бўлган орасида тугилганига хали икки ҳафта ҳам бўлмаган бир неча бўри болаларнинг иргилишда сакраб ўйнаб юрганини кўриб қолди ва оғи остидан чиққан ўлжаларнинг бирини кўлбола айри таёк ёрамади бўйналдан босиб тутиб олгач, хуржунига жойлади. Тасодифан она бўри изларига кўзи тушиб қўнғилда хавотир ва гулгула пайдо бўлади. У оғини эгар узангисига қўйиши биланок от тизгинини бўшатди.**

Йўл-йўлақай қўнғилда пайдо бўлган ҳадик ва хавотир ўрнини ширин ҳавёллар чулғаб олиб, ҳовлисига қандай етиб келганини ҳам сезмади. У қашқа саманини бостирма устунига қантариб қўйган, хуржундаги жониворни сим тур ичига қўйиб юборди. Уйноқлаб юрган олапар болалари янги «меҳмонини сўймайгина қарши олишди.

— Яхши иш қилмасиз, дедаси, - деди Хожар хола жониворнинг бўри боласи эканлигиндан ҳабардор бўлгач, — тагин уволига қолманг.

Авалгига сингир сўтига ҳам белбисанд қараган жонивор аста-секин сон бўлаклари ва гўлш қолдиқларини ҳам ейди-ган бўлди.

Орадан икки ҳафтача вақт ўтиб Бўрибосар воҳлига тамона мослашиб, олапар болалари ва уйдаги кичиктойларга ҳам ўрганиб қолди. Олапар болалари беғоналарга хуришганлариди Бўрибосар ақиллаб қўярди. Бундай пайтда овчининг ўғил-қизлари хурсанд

**«ШАР» ПОЕЗДИ**

«Ўзбектуризм» Миллий компанияси хузурида фаолият кўрсатаётган ўқув марказида таълимий ишлар кенг йўлга қўйилмоқда. Бу ерда йўлбошловчилар ва таржимонлари ўқитиш борасида ҳам бой таъриба орттирилди.

Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида марказда 400 га яқин тингловчи ўз билим ва амалий кўникмасини оширди. Йўловчиларга хизмат қиладиган касб эгалари-стюардлар тайёрлашга ҳам киришилди. Улардан 20 нафари касбий махорат сирларини пухта ўзлаштирдилар.

Улар «Шарк» тез юрар поездеда ўз фаолиятларини бошладилар. Ташкент-Бухоро йўналишида қатънай бошлаган бу поездларда саяҳатга отланганлари учун алоҳида кўпайлар ҳам ажратилди.

Н.ТОҒАЕВА

**БАРИБИР ЙИРТҚИЧЛИГИГА БОРДИ**

бўлганликларидан терисига сигмай кетишарди. Ундан ҳеч нарсани қизганишмасди.

Кўйичивонлар Бўрибосарни ташқи хавф-хатардан асраш, доимо кўз-қулқол бўлиб боришни Этам амакига маслаҳат беришди, акс ҳолда оқибати яхшилик билан тугамаслиги, отарига ҳам зарари тегишини уктиришди.

Шунинг учун у жониворнинг қарови билан «боғланиб» қолиб овга ҳам кам чиқадиган бўлиб қолди. Кўп ўтмай Бўрибосарга бўйинтирик тушди. Жонивор бир қанча вақт ўзини ёлғиз сезиб янгишар, яқинлашганларга ташланар ва ақиллашни бас қилмасди. Бора-бора бўйинтирик ва занжирнинг шикир-шиқирига ҳам кўникиб қолди. Бўрибосар бир қиш ўтгач,

Абдулла САИДОВ

**ISHONCH**

Бош муҳаррир Мирғиёс КАЮМОВ

МУАССИС:

Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси

Таҳрир хайъати:

Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛА

Котибият 56-52-78

Хатлар бўлими 56-85-

Газета 1991 йил 21 март чика бошлаган

Босишга топшириш вақти - 10.00

Топширилди - 10.00

Тиражи: 7765

**БУ АЖОЙИБ КЎПРИКЛАР**

Бухоро вилояти худудидан ўтувчи «М-37» халқаро йўли бир неча йил илгари 26 метргақан кенгайтирилган, аммо Жондор ва Қорақўл туманлари оралиғидаги Қўйимозор коллектори устида қурилган кўприкни йўлга мослашининг иложи бўлмаган эди.

Эни 12 метрли иншоотда қатнов тизгилашаётганлиги мамлакатимиз билан Туркманистон, Эрон, Туркия ўртасида юк ташувчи йирик транспорт воситаларига ноқулайлиқ туғдира бошлади. Ҳаракат хавфсизлигида ҳам муаммолар пайдо бўлди.

Бухоро йўл ва кўприклардан фойдаланиш бошқармаси бунёдкорлари бу муаммога нуқта қўйди. Улар узунлиги 54 метрлик кўприкни икки барабардан бу иншоотга 258 миллион сўм маблағ сарфланди. Кўприк мамлакатимиз мустақиллигининг 14 йиллик байрами кунлари фойдаланишга топширилди.

Вилоят худудидан ўтувчи халқаро йўлнинг турли қисмларида яна иккита катта кўприк қурилмоқда, - дейди «Бухороавтоўл» йўл-қурилиш худудий шўъба ташкилоти бошлигининг ўринбосари Наим Жумаев. - Улардан бири Қорақўл ва Олот туманларини туташтирувчи Аму-Қорақўл канали устида бунёд этилмоқда. Лойиҳа-смета қиймати 1 миллиард сўмга тенг бўлган бу объект янги йилгача ишга туширилади. Келгуси йили Вобкент туманида ҳам ана шундай иншоот қурилиши кўзда тутилган.



**Мен ҳайда айрим кишилар тимсолида метндай бўқилмас иродани, ҳайтни чок-чокидан сўкиб юбрувчи вақт билан тинимсиз курашаётган, унинг тизгинини ўз йўналишига солиш учун берилди меҳнат қилаётган Шахси, ўтаётган умрининг ҳар сонияси-дан яшамок фалсафасини кидираётган бетақдор истеъдод эгаларини кўраман.**

Театр - аввал бошдан муайян шакл ичида рўй берадиган воқеалар, ҳодисаларни ўзда ақ эттирийдиган маскан. Саҳна кўриниши уз оқдий томоша. Профессионализм эмас. Шакл дейётганимиз қандайдир бир қолип эмас, бу шунчаки рамзий тушунча. Одамзоғ тасавуридаги энг катта саҳна - дунё. Унда ҳар қим ўзининг кичик саҳна-сига эга. Уни қандай шаклда қуриш, фони ни ма билан безаш, декорация-сини қай тарика қизиш ва нимани ақ эттириш ҳар қимнинг диди ва истеъдоди боғлиқ.

— Бирок, минглаб одамлар келиб кетадигани, янгилик ва катта ҳаётни кўрмоқ истеъдоди тушадигани - театр саҳнаси инсоннинг индивидуал саҳнаси-дан бир оз фарқи бор, дейди Бахтиёр Тўраев ўзро сўхтади. — Театрдо доимо янгилик бўлиши керак. У маъқ, Шу боис, албатта, маъқнинг нури бўлиши керак. Нур эса барча ҳисларни йўртувчи, қалбни ёритувчи, йўл кўрсатувчи илоҳий восита...

Образни расмосиз очиб бериш қийин. Расмоснинг иждоий жиҳатдан тасавури кенглиги боис у асарга янада кўр, жозиба ва нафосат бағишласа, театр олдиди илиб қўйилган «афиша»дан то актёр ишлатадиган кўл рўмлугача ҳозир қилиш, чироқ нурали, бутатоғари, дурадгорлик ҳеҳи, либос расмослари билан ишлаш жараёни уни техник жиҳатдан ишлаб чиқарувчи ҳодимга айлантириб қўяди.

Ўзбек Миллий академик драма театрида намойиш этилган «Абулфайзон», «Гирн коинот», «Спитамен», «Амир Темури», «Еркиной», «Катагон», «Машраб», «Адибнинг умри» спектакларида саҳнани воқеалар лирикоғи мос тарзда безаш олган, уларни юксак бадий маҳорат ва изчиллик билан асар мазмунига ўйлаштирган Бахтиёр Тўраев иждоий бугун ўзининг янги палласига кирган.

Савол-жавобимиз ҳам ана шу мавзу атрофида бўлди.

**Бахтиёр ака, Сиз ҳам интелектуал, ҳам жисмоний жиҳатдан ҳаддан ташқари кўп ишлайсиз. Ўзган ўйлаб қоламани, ўз вужудингиз-**

**Сиз кутган учрашув**

дик, фақат уни ашигини очиб кетаемиз, холос. Уни сизлар яратасизлар».

Мен ўша пайтда шу гапнинг маъини тушунмадим, десам балки гапим тўғри бўлмас, нималарнидир фаҳмадим, бошимда ўйлаб юрган гапларимнинг қайсидир маънода жавобини ҳам топганим. Бу том маънодаги миллий театрни яратиш муаммоси эди.

Биз театр қурилишида Европа мактабини ўзимизга асос қилиб олганмиз. Формаси битта. Табиати чизиб қўйиб, ўзбекининг ҳаётидан асар ёзиб, уни режиссёр томонидан ўзбекча саҳналаш-

тирган билан миллий спектакл яратилиб қолмайди. Миллий спектакл - бу миллийнинг шох асари. Ҳақнинг бойлиги - унинг қилъаси, юзи, ўзбекининг қалби, гурури, йимони. Спектакл фалсафасидан то актёр ҳаракатига миллий бўлиши керак. Бирок ҳамон у яратилмасдан қоляпти. Фақат шакланмоқда, у ўз юзини парча-парча қисмлари воситасида топмоқда дейиш мумкин. Юқорида айтганим, ҳар қимнинг ўз саҳнаси бор. Театр саҳнасидаги гузаллик шу саҳнага шундай бир руҳий яқинлик билан кўчиб ўтиши керакки, муаммонинг бош туғуни айнан «саҳнадан қалба» ўтиш усулидан бошланади, ҳойнаҳой.

— Ҳозир санъатимизнинг даргаларидан бири, раҳматли Бримми Эладдингиз. Бу одам сизни аравага солиб катта йўлга олиб чиқиб, дуо қилган устозингиз эди. Таниқли режиссёр Баҳодир ака йўлдошев бир интервьюсида: «Менинг энг катта бахтим, бойлигим - Георгий Брим эди. Брим - катта маънодаги санъаткор. Шоирга шеър ёзиш учун ўткир қалам ва шам қанчалик зарур бўлса, режиссёр учун расмос ҳам шундай зарур. Ҳеч қайси режиссёр мендай Бриммига эга эмас эди» дейди. Сиз ҳам расмоси театрда қим ўзи?

— 2004 йил Москвага бордик. Тушаман десам бирорта театрға билет тополмадим. У ерда меҳмонлигимиз ва Маданият вазирлиғи тақлифига кўра борганлигимиз

борни ўзига тортади. Ушбу байрамга бағишлаб энгил атлетика спорт мусобақаларини ташкил этилиши ҳам нур устига аъло нур бўлди.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг махсус буйруғига кўра бундай спорт ўйинларида умумтаълим мактаб ўқувчилари ҳамда мураббийлари қатнашдилар.

Бундай спорт мусобақалари жисмоний тарбия ва спортни устозларнинг кундалик турмуш тарзига айлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Қалб нидоси**

**Форин тумани Марказий Янгикишлоқ шаҳарчасидан ўғиб, Уқум, Мажитим, Сентоб, Каттаёқ қишлоқларига бориб қолганга, тоғликларнинг олқорлар ҳақидаги қизиқарли ҳикояларини эшитасиз. Улар аксаран қолларда «Кизилқум қўйлар» деб аталувчи бу жониворларнинг тоғ далалида жон қозувчи яшашларида, болажонликларидан, шифобақилликларидан сўзлайдилар. Шу билан бирга улар олқорларнинг йил сайин қандайдир бораётганини, «Кизил қитми» биланганини ҳам айтишди.**

Олқорлар нафақат республикамизда, балки бутун Марказий Осиёда фақатгина Нурота қўриқхонасидагина учрайди.

Бундан 40 йилча муқаддам Нурота туманидаги «Нурота» давлат наслчилик хўжалиғида олқорлар билан қоракўл қўйлар урчителиб, юқори навали терилар берадиган дуррағай қўзилар олинганини Каттаёқ, Кичикназ ва бошқа қишлоқларда яшовчи кекса ағлод кишилари яқини эслайдилар ва гапириб юрадилар.

— У пайтларда Сентоб ортидаги тоғ томон кўтарилсангиз, ҳар қадамда олқорларга дуч келардингиз. — дейди каттаёқлик Хушвақт Худдиев. — У ёқларни қўйинг, мана шу ўз қишлоғимиз атрофларида ҳам гоҳ-гоҳида чиройларни кўз-кўзлаганда шаталоқ отиб юришарди.

Олқорлар ҳақида ёзилган адабиётларда феврал-март ойлари уларнинг кўзи



**Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиғи тизимида амалга оширилаётган ишловлар ўзининг иждоий натижаларини бермоқда. «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат Умумий таълим дастури» доирасида қўрилаётган таълимий тадбирлар эса мактабларнинг ўқув моддий-техника негизини янада мухтарамлашга қаратилмоқда.**

**Кўплар кутган ЛОЙИХА**

Ана шу жараёнларда самарадорликка эришиш мақсадида қатор лойиҳалар юзга келди. Осиё тараккиёт банки билан ҳамкорликда «Таълим тизimini ривожлантириш» ва «Умумтаълим мактаблари учун дарслиқлар ва ўқув адабиётлари нашр этиш тизimini такомиллаштириш» лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Хитой Халқ Республикаси ҳукумати билан «Ўзбекистон Республикаси Умумтаълим мактабларини ўқув-компьютер синфлари билан жиҳозлаш» деб номланган лойиҳасини тайёрлаш ишлари тугалланмоқда.

**А.АЛИЕВ**

**Футбол ХАММАСИ БРАТИСЛАВАДА ХАЛ БЎЛАДИ**

Ўтган чоршанба кун Кўҳна қитъа яшил майдонларида футбол бўйича «Жаҳон чемпионати - 2006» саралаш босқич ўйинлари бўлиб ўтди.

Москвада ўтган Россия - Португалия учрашуви 3-саралаш гуруҳининг энг муҳим учрашуви саналди. Чунки гуруҳ пешқадами бўлган португалияликлар рақибларини ўз майдонларида 7:1 ҳисобида мағлуб этганди. Ўша мағлубият аламини олиш ҳамда гуруҳдан қўчиқ вази-фасини ҳал этиш учун россияликларга галаба жуда зарур эди.

Кўриб ўтиш керакки, бу мағлубият ушбу баҳсга эҳтиёткор усулни танлаб хато қилмади.

Ўйин жуда шиддатли бошланди. Ҳар икки жамоа ҳам «ўз бахтини» ҳужумда кидиришга аҳд қилгани ўйин бошиданоқ билини тўрарди. Кўплаб хавфли вазиятлар вужудга келган бўлса-да, биринчи таймда ҳисоб очилмади. Аммо, россияликлар сардори Алексей Смертин тайм охирида ўз рақибларига қарши ишлатган қўполлиғи учун ҳакам томонидан қизил қарточка билан «сийланди».

**ГОЛЛАНДИЯЛИК ФУТБОЛЧИЛАР - ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА**

Биринчи гуруҳ пешқадамлари Чехия ҳамда Голландия терма жамоалари навбатдаги галабага эришди. Чехлар ўз майдонларида арманистонликларни йирик 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратган бўлса, Голландия терма жамоаси Андорра вакилларини 5:1 ҳисобида тор-мор этди.

**АНДРЕЙ ШЕВЧЕНКО - МУНДИАЛДА ТЎП СУРАДИ**

Жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритган Украина терма жамоаси ўз майдонда туркиялик футболчиларни қабул қилди. Туркияда моҳир ҳужумчи А. Шевченкосиз тўп сурган О. Блохин шоғирдлари бу ўйинда 0:1 ҳисобида ютқазиб қўйди. Ўйин давомида ташаббусни қўлдан бермаган турк футболчилари 55-дақиқада ҳисобни очди. Тўп муаллифи Метин Темир бўлди.

**МАВСУМ БОШЛАНДИ**

Сапар Хўҷаниёзов номидаги Қоракөлпоқ давлат ёш томошабилар театри иждоий жамоаси ўзининг навбатдаги мавсумини янги саҳна асари премьераси билан бошлади. Иктидорли драматург Ш.Матмуратовнинг «Кампирларни талашиб» асари асосида саҳналаштирилган пьеса томошабилар томонидан илқ қилиб олинди.

Таниқли режиссёр Р.Айбатов саҳналаштирган мазкур асарда бугунги турмуш таъшиллари энгил юмор асосида талқин этилди. Қоракөлпоқ халқи табиатиға хос учирма ва қочиримлардан кенг фойдаланилган асар санъат муҳлисларини ўзига жалб этмоқда.

**КУТУБХОНА ЖОНКУЯРЛАРИ**

Ўзбекистон тумани маданият ва спорт ишлари бўлимига қарашли марказий кутубхона жамоаси китобсеварлар талаби даражасида ишлаш, турли қизиқарли учрашувлар, тадбирлар уюштириш борасида сидқи-дилдан меҳнат қилмоқда. Унинг жойлардаги ўттиз учта тармоқ кутубхонаси ҳам айнан шу мақсадга йўналтирилгандир.

Мазкур зиё масканида ўз ишининг фидойилари, жонкуярлари ишлашади. Бу эса китобхонлар сонининг ортишига олиб келмоқда.

Бугунги кунда марказий кутубхона 370 мингдан орттиқ китоб фондига эга. Бу йил фонд яна 800 дон янги китоб билан бойитилди.

Эътиборлиси, бу ерда барча соҳадаги илмий, бадий китоблар мавжуд. Албатта, бундай қулайлик китобхонларни қувонтирмоқда.

Суратда: марказий кутубхона мудариси Мавлуда Содикова.

**М. ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат**

**Спорт оламида**

ҳамда Либеропулос томонидан киритилган тўп грекларга йўллангани қўлга киритиш умидини уйғотди.

Дания терма жамоаси эса грузин футболчиларини 6:1 ҳисобида таслим этди. Бирок, уларда йўллангани қўлга киритиш имконияти жуда кам. Чунки, улар тўртинчи ўрнини эгаллаб турибди. Боз устига, Греция ёки Туркия жамоаларининг очко йўқотишига данияликларга йўл очади.

**Теннис ФЕДЕРА - ЯРИМ ФИНАЛДА**

Жаҳон теннис таснифида етакчилик қилаётган швейцариялик машҳур теннисчи Роже Федерер «Катта шленг» туркумига кирувчи US OPEN баҳсларининг нимчорак учрашувида германиялик Николас Киферни 6:4, 7:6 (7:3) ҳисобида энгилб, чорак финалга йўл олди. Энди унинг чорак финалдаги рақиб арманистонлик Давид Налбандян бўлади.

Турнирда 11-рақамда қайд этилган арман теннисчиси чорак финалга италиялик Сангинтеттини мағлуб этиш эвазига чиқди. Бошқа чорак финалда эса, фин Ярко Нименен ҳамда австриялик Лейтон Хьюитт куч синнашди. Улар чорак финал йўлида испаниялик Вердаско ва словак Даминик Хрбатын енгишган.

Турнирда номдор теннисчилар Андре Агаси, Гильермо Кориа каби юлдузлар иштирок этаётган бўлишига қарамасдан, мутахассислар Роже Федерернинг голиб чиқishiни баҳорат қилмоқда. Чиндан ҳам швейцариялик теннисчи ўзининг юксак спорт формасида эканлигини намойиш этмоқда.

**Баскетбол КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА**


Туркияда давом этаётган Европа чемпионатида россиялик баскетболчи қизлар Сербия ва Черногория вакиллари мағлубиятга учратиб, турнирнинг кейинги босқичига чиқishiни удралдилар. Игор Гудин шоғирдлари ўтган кун йўлида муваффақиятсиз қатнашган бўлса-да, муҳим учрашувда 86:69 ҳисобида ишончли галабага эришди. Гуруҳ пешқадами Литва терма жамоаси Руминия вакиллари осонлик билан 92:56 ҳисобида енғди.

**Профессионал бокс ТАНЗАНИЯЛИК ФАҲРИЙ ТАСЛИМ БЎЛДИ**

Австралия пойтахти Канберра шаҳрида кенган жаңда WBA йўналишида 79,4 килограмм вазида собик жаҳон чемпиони Энтони Мундин танзаниялик Рашид Матулла устидан муддатидан олдин галабага эришди.

37 ёшли Матулла бўйи-баси билан рақибдан анча кичик бўлишига қарамай ҳужумга эър беради. Бирок, унинг зарбалари анча кучсиз чиқди. Собик чемпион эса анч зарбалари билан рақибини эсанқиратиб қўйди. Олтинчи раунд бошда анча холсизланган Матулла, навбатдаги зарбадан сўнг ўзини тугулмай, ерга қулади. Ҳакам танзаниялик боксчининг техник нақаут билан мағлубиятга учраганини билдирди.

**А. ЮНУСОВ тайёрлади**



Ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари қасаба уюшмаси Тошкент вилояти кенгаши ўз тасарруфидида «Фаргона геофизика экспедицияси» ОАЖ қасаба уюшма қўмитаси раиси

**Тоштемр ҚОДИРОВ**нинг вазоти муносабати билан марҳумининг оила аъзолари, яқинлариға чукур ҳамдардлик изҳор этади.

**САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ**

Ўзбекистон қимматли қоғозлар Марказий давлат депозитарийи ташкил топганига беш йил бўлди. Ўз фаолиятини давлат унитар корхонаси сифатида бошлаган бу нуфузли муассаса учун ўтган давр ҳар томонлама ривожланиш йиллари бўлди. Мамлакатимиз фонд бозорининг барча механизми яши самарадорлигини таъминлашда ҳам унинг хизмати катта бўлмоқда.

Қимматли қоғозларни хисоблаш ва сақлаш билан шуғулланиб келаётган турли инситутлар фаолиятларини мувофиқлаштириш борасида ҳам кўп иш қилинди.

Республика депонентлари ягона базисини шакллантириш мақсадида «Улғурчи савдо», «Ўзэнгилсанот», «Ўзбексавдо» акционерлик компаниялари билан янги ҳамкорлик ўрнатилди.

**АДАБИЙ-БАДИИЙ АЛЬМАНАХ**

Республикамиз наشريётлари рус адабиётига доир настрий ва шеърый тўпламларини ҳам чоп этиб келмоқда. Бу иждо намуналаридан баъзилари адабий-бадий альманах кўринишида китобхонларға тақдим этилмоқда.

Яқинда босма юзини кўрган навбатдаги альманах рус адабиёти антологияси сифатида чиқарилди. Бу янги нашр мамлакатимизда амалга оширилаётган «Арқ» лойиҳаси доирасида босмага тайёрланди. Ундан бешта йирик асар ўрин олди. «Озодлик тўғрисида роман», «Умр йўлимин ёритдим!» деб номланган романлар ҳам қизиқиш билан ўқилади.

**ПУХТА БИЛИМ ВА МАЛАКА**

ОМСК давлат педагогика университетининг халқ таълими ходимлари малакасини ошириш ва Қайта тайёрлаш факультетида уюштирилган ўқув машғулотлари самарали бўлди. Ўзбекистонлик мактаб, академик лицей ва касбунаҳар коллеж ўқитувчилари учун махсус ташкил этилган ҳафта давом этди.

Россиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Ўзбекистондаги рус маданияти маркази йўлланмаси билан Россияға борган вакилларимиз «Бошлангч мактабларда ўқишнинг долзарб муаммолари», «Рус тили ва адабиётини ўқишнинг давр талаблари» деган дастурлар бўйича билим ва малака ҳосил қилдилар.

«Тестлар технологиясиға доир», «Халқ таълими тизimini ривожлантиришнинг устувор йўналиши» каби мавзуларда ўтказилган машғулотлар ҳам тингловчиларда қизиқиш уйғотди.

**ISHONCH**  
Бош муҳаррир Мирғиёс КАЮМОВ  
Муассис: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

**Тахрир хайъати:**  
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жориа Алимҳўжаева, Маъмура Одилова, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.  
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Котибият 56-52-78;  
Хатлар бўлими 56-85-43;  
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган  
Босишга топшириш вақти - 21.00  
Топшириғи -

Манзилымы: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Наир кўрсаткичи: 133; 134  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиғида 035-рақам билан рўйхатта олинган.  
IBM компьютерда терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нарҳда.  
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.  
Қорхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.